



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ХАЛҚИМИЗ БИРЛАШИБ,
МЕҲР ВА ШИЖОАТ БИЛАН ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ
ЙЎЛИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Бундан беш йил муқаддам биз танлаган тамаддун йўли нақадар тўғри экани яқинда бўлиб ўтган Президент сайловида халқимизнинг муносиб танлови сифатида яна бир бор тасдиғини топди. Бу галги Президент сайловида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёевнинг ишончли вакили бўлишдек шарафли ва масъулиятли вазифа зиммамга тушди. Жойларда сайловчилар билан учрашувларда гувоҳ бўлдимки, халқимиз сиёсий жараёнларга, мамлакат тараққиёти ҳар бир инсоннинг саъй-ҳаракатига боғлиқ эканини ҳис этмайдиган кечаги халқ эмас.



Жараёнда улар Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз бахту саодати учун дахлдорлик ҳиссини туяётганини кўрдик. Бу тадбирлар чоғида янги йўللار ва арзон уй-жойлар барпо этиш кўламини кенгайтириш, ободонлаштириш, экология, газ,

сув ва электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида аниқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Қайта сайланган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сайловчилар билан учрашувларда билдирган ташаббуслари,

халқимиз ҳаётини, мамлакатимиз қудратини янада юксалтириш йўлидаги эзгу таклифлар келгуси беш йиллик ривожланиш стратегияси, давлат дастурларида, албатта, ўз аксини топади.

► Давоми 2-бетда

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ



БУГУНГИ НИҲОЛ — ЭРТАНГИ ТОЗА ҲАВО

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган топшириқларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Биз, одатда, “изчил ислохотлар муваффақияти” иборасини қўллаганда фикрни аниқ мисоллар билан тасдиқлашга унчалик эътибор бермаймиз. Боиси, кундек равшан натижаларни ҳамма

қўриб турибди, қайтариш шарт эмас, деб ҳисоблаймиз. Лекин шундай пайтлар бўладикки, эзгу жараёнларни ҳар тўқсонда унинг янги-янги қирралари кашф этилади. Бир қарашда оддий

туялган ҳодисанинг ҳосиласи нақадар улуғворлигини бироз фурсат ўтгандан кейингина ҳис қиламиз.

► Давоми 5-бетда

АГРАР СОҲА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ:
РИВОЖЛАНИШНИНГ
ИШОНЧЛИ ОДИМЛАРИ

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш бугун янги Ўзбекистон олдидан турган энг муҳим вазифалардан бирига айланди. Аммо бу жараённи амалга ошириш осон бўлмагани ҳолда, иқтисодий муаммолар доим янгиланиб ва тобора мураккаблашиб бораверади.


Ана шу муаммоларнинг сон-саноксиз ечимлари орасидан энг оқилона, тўғри, юқори самарадорликка эга тизимни топа олган мамлакатларгина юксалиш, ривожланишга эришади.

Ўзбекистон сўнгги йилларда барча соҳаларда туб ислохотларни амалга ошириб, янги ва замонавий усуллари жорий этиш ҳисобига иқтисодий ривожланиш йўлида дадил одимламоқда. Бу борадаги энг муҳим ва асосий йўналишлардан бири сифатида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти.

Жорий йилнинг 27 октябрь куни давлатимиз раҳбари раислигида қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳада улкан режалар белгилангани боиси ҳам шундан. Хусусан, тармоқда келгуси беш йилда ҳосилдорликни камида 2 баробар кўтариш, хомашини чуқур қайта ишлаш, соҳа экспортини 7 миллиард долларга етказиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини янада ошириш режа қилинган.

► Давоми 5-бетда

ДАВРА СУҲБАТИ



Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қайта қўриб чиқиш, уларнинг сонини қисқартириш ҳамда Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди. Айни пайтда ушбу кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилди ва кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Мухбиримиз мазкур ҳужжат қабул қилинишининг аҳамияти, зарурати, мақсади, ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва тадбиркорлик соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларининг

тизимли таҳлили билан боғлиқ масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида давра суҳбати уюштирди.

► Давоми 4-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОХОТЛАРИ — АМАЛДА

“ЯНГИ ИФТИХОР” МАҲАЛЛАСИ
ЧИРЧИҚНИНГ ФАҲРИГА АЙЛАНДИ

“Йиллар давомида “Ифтихор” маҳалласида тураман”, деган гапни айтишга уялиб яшадик. Тўйлар қилдик, ортимиздан қариндош-уруғ, ошна-оғайнилар келди — хижолат тортдик. Кишли-қировли кунлар бўлди, манзилимизга етиб олиш учун такси тўхтатдик, ҳайдовчининг рад жавобидан кўнглимиз бузилди. Уйни арзон-гаров бўлса ҳам пуллаб, тузукроқ маҳалладан уй олишга қарор қилдик. Уй сотилади, деб элга маълум қилдик... Бугун фикрим ўзгарди: сотмаймиз, ҳеч қаерга кетмаймиз!”

► Давоми 3-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”
ГАЗЕТАСИ УЧУН МАХСУС

Лондонда туризм соҳасидаги йирик халқаро кўргазма ва ярмаркалардан бири — “World Travel Market” (WTM) бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон
миллий стенди
“WORLD TRAVEL
MARKET LONDON”
ярмаркасида намоиш
этилмоқда



Мамлакатимизнинг Буюк Британиядаги элчихонаси “Uzbekistan Airways” АЖ билан биргаликда халқ амалий санъати буюмлари экспозицияси ва юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти ҳамда маданий-тарихий мероси ҳақидаги миллий стендни ташкил этди. Миллий стендда “Ayimtour Travel Agency”, “Marakanda Travel”, “Responsible Travel” ва бошқа миллий сайёҳлик агентликлари ҳам ўз фаолиятини намоиш қилмоқда.

Ўзбекистон сайёҳлик брендининг Буюк Британиядаги элчиси Софи Ибботсон билан ҳамкорликда қатор оммавий ахборот воситалари, жумладан, “Lonely Planet”, “The Cheap Holiday Expert”, “The Jewish Chronicle”, шунингдек, “Best Travel”, “Travel Experts”, “Import Promotion Desk” сайёҳлик компаниялари вакиллари учун миллий стенд тақдироти ўтказилди.

Софи Ибботсон Ўзбекистонда туризм соҳасидаги кенг кўламли ўзгаришларга тўхталди. Унинг сўзларига кўра, ислохотлар натижасида мамлакатга 2019 йилда рекорд даражада, яъни 6 миллион 700 минг сайёҳ келган.

Иштиракчилар пандемия даврида Ўзбекистон сайёҳлик соҳасини қандай қўллаб-қувватлаётгани, туризм инфратузилмасини кенгайтириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилаётгани, жумладан, янги замонавий чанги курортлари ташкил этилаётгани ҳақидаги маълумотлар билан танишди. Ўзбекистон 2022 йилдан хорижий давлатлар, жумладан, Буюк Британиядан сайёҳларни кенг миқёсда қабул қилишга тайёрлиги таъкидланди.

WTM туризм соҳасидаги энг йирик, оммабоп халқаро кўргазма ва ярмаркалардан бири бўлиб, соҳадаги деярли барча хизмат турларини тақдим этади. Европада иккинчи йирик сайёҳлик кўргазмаси бўлган WTM Лондонда 1980 йилдан бери ҳар йили ўтказилади. Ўзбекистон ушбу халқаро кўргазмада 2009 йилдан бери фаол қатнашиб келади.

“Дунё” АА
Лондон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ХАЛҚИМИЗ БИРЛАШИБ, МЕҲР ВА ШИЖОАТ БИЛАН ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Наманган вилояти Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Бошланиши 1-бетда

ҲАЁТИМИЗГА МАЗМУН ИНГАН ЙИЛЛАР...

Авваллари “Хамма нарса инсон учун, инсоннинг бахту саодати учун” деган баландпарвоз шиорларни олға сурардиг-у, аслида фойдаси борми-йўқми — барча ҳаракатларимиз пахта етиштириш, миллион тонналаб ҳосил олишга қаратиларди. Шу тарика кунимиз ўтарди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда Ўзбекистон тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида кўплаб ислохотлар амалга оширилди. “Келажакда эмас, бугун яхши яшашга ҳар бир Ўзбекистонликнинг ҳаққи бор”, деган олий мақсад халқимизнинг қаддини тиклади.

Шавкат Мирзиёев президентлик лавозимига келган илк кунларданок бутун диққат-эътиборини аҳолининг маънавий-маърифий дунёқарашини юксалтириш, билим савиясини ошириш, фидокорона ва сидқидилдан меҳнат қилиш билангина юртимизда чин маънода инсон манфаатларини рўёбга чиқариш мумкинлигига ишонтиришга қаратди ҳамда бунинг учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилди.

Президентимизнинг “... олдимизда турган ишларнинг барчасини ўзимиз, ўз кучимиз билан қилишимиз керак, ҳеч ким четдан келиб биз учун биронта муаммони ҳал қилиб бермайди”, деган гапи қанчалик ҳақиқат эканини бугун тўлиқ ҳис қилиб турибмиз.

Сайловонди учрашувларда кундан-кунга кўркамлашётган шаҳарлар, узоқ қишлоқлар, чекка



кечирган бўлсак, Шавкат Мирзиёев ҳақиқий ҳолатни рўй-рост айтиб, Ўзбекистонда 12-15 фоиз аҳоли камбағалликда ҳаёт кечираётганини ҳам яширмади. Шу боис, аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш шароитини яхшилаш мақсадида манзилли дастурлар яратилди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жорий этилиб, уйма-уй кириб ўрганиш асосида ижтимоий, моддий ёрдамга муҳтож оилалар ва фуқаролар рўйхати шакллантирилди. Шу асосда тизимли иш олиб борилди.

Наманган вилоятида хонадонма-хонадон ўрганиш натижасида 156 минг 828 нафар оила аъзоси бўлган 34 минг 761 та оила “Темир дафтар”га киритилган бўлиб, уларда меҳнатга лаёқатли, лекин ишсиз 48 минг 885 юртдошимиз яшар эди. Бугунги кунда кўрсатилган амалий, ташкилий ва молиявий ёрдамлар натижасида 48 минг 489

66

Наманган вилоятида хонадонма-хонадон ўрганиш натижасида 156 минг 828 нафар оила аъзоси бўлган 34 минг 761 та оила “Темир дафтар”га киритилган бўлиб, уларда меҳнатга лаёқатли, лекин ишсиз 48 минг 885 юртдошимиз яшар эди. Бугунги кунда кўрсатилган амалий, ташкилий ва молиявий ёрдамлар натижасида 48 минг 489 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди. Жорий йилда эса 5050 та оиладаги 22 минг 224 кишининг 98,5 фоизи “Темир дафтар”дан чиқарилган.

овул ва маҳаллаларни кўрган ҳамюртларимиз, “бўлар экан-ку!” деб дилидаги ҳаяжонини тилига чиқарди.

Авваллари салмоқли режалар тузилар, баландпарвоз ваздалар берилса-да, уларнинг молиявий манбалари ҳал этилмаганидан ярим-чала қолиб кетар эди. Бундай ҳолатни нафақат уй-жой қурилиши, таълим, хизмат кўрсатиш, газ, сув таъминоти ва йўл қурилиши соҳаларида ҳам кўриш мумкин эди. Энг асосийси, мавжуд меҳнат ресурсларини банд этиш оғир муаммога айланганди. Йирик корхоналар хусусийлаштириш асосида тугатилди ёки банкрот бўлди. Бу эса, ўз навбатида, иш ўринлари йўқотилишига, аҳолининг реал даромадлари кескин пасайишига олиб келди. Натижада кўплаб ёшларимиз яқин ва узоқ мамлакатларга иш қидириб кетишга мажбур бўлди.

Эндиликда янги корхоналар барпо этиш, нафақат ички имкониятлар, балки чет эл сармоясини кенг жалб этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш чоралари кўрилди, кўрилмоқда. Биргина Наманган вилоятида 73 та кичик sanoat зонаси ташкил этилиб, уларда 1154 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада 13,5 минг янги иш ўрни яратилди.

Бир вақтлар “бизда ҳамма нарса бисёр”, деб бонг уриб, аслида ўз ёғимизга ўзимиз қоврилиб кун

нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди. Жорий йилда эса 5050 та оиладаги 22 минг 224 кишининг 98,5 фоизи “Темир дафтар”дан чиқарилган.

Шунингдек, “Аёллар дафтари”га киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 36 минг 179 нафар хотин-қизнинг барчаси ўз даромадида эга бўлди. Уларнинг 4314 нафари иш билан таъминланган, 1931 нафарига имтиёзли кредит олишга кўмаклашилган, 2862 нафарига 10 йилга ижара асосида деҳқончилик қилиш учун ер берилган. Бундан ташқари, 465 нафар 1-гурҳ, 3008 нафар 2-гурҳ ногиронлиги бор аёлга моддий ёрдам кўрсатилган. Шунингдек, 1-гурҳ ногиронлиги бўлган 92 нафар аёлнинг уйи таъмирланди. “Аёллар дафтари”га киритилганларнинг 13 минг 298 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, 6618 нафарига амбулатор, 425 нафарига имтиёзли стационар даволашишга ёрдам берилди. Уларнинг 2201 нафарига ҳуқуқий ва 1648 нафарига психологик ёрдамлар кўрсатилди.

КЕКСАЛИК ГАШТИ ФАЙЗЛИ КУНЛАР БИЛАН ШУКУҲЛИ

Юртимизда нуроний ва кексаларга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатилмоқда. Уларнинг

саломатлигини сақлаш, умрини узайтириш чоралари кўрилиб, ижтимоий фаоллигини таъминлашга катта эътибор қаратилляпти.

Кейинги йилларда пенсия ва нафақалар ўз вақтида ва кексалар истаган шаклда етказиб бериляпти. Бир вақтлар нақд пул муаммоси уларни қийнагани ҳамон эсимизда.

Қари билганини пари билмас, дейди халқимиз. Бу бежиз айтилмаган. Катта ҳаёт тажрибасига эга, куч-қувватга тўла, лекин пенсия ёшига етган нуронийларимиз ишини давом эттирс, пенсия пулининг 50 фоизини олишга мажбур эди. Ҳа, деса, “икки томондан ҳам пул олиш инсофсизлик”, дейиларди. Бугунги кунда бу масала ҳам тўлиқ ҳал этилгани кесса авлод вакиллари бирдек қувонтирмоқда.

Президентимиз Наманганга ташрифи чоғида соғлом турмуш тарзини ривожлантириш юзасидан тақлиф берган эди. Шунга кўра, 777 та маҳалла фуқаролар йиғинида 6-9 нафардан иборат “Ғайратли кексалар” спорт гуруҳларини тuzдик.

Нуронийлар масканларида спорт билан шуғулланиш, китоб мутулаа қилиш ва шахмат-шашка ўйнаш учун имкониятлар яратилди. Буларнинг барчаси Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида биноан йўлга қўйилди.

Бир ўйлаб кўрайлик, қайси давлатда пийда юрганлик учун пул берилган. Ҳукуматнинг 2021 йил 28 апрелдаги қарори билан тасдиқланган “Соғлом турмуш тарзи” платформаси фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳақидаги низомга мувофиқ, бир кеча-кундузда 10 минг қадам юрган кишига 3 минг сўмдан пул берилмоқда. Ўзим ҳам ҳар кун 8-10 минг қадам пийда юришни канда қилмайман.

Нуронийларга чексиз эътибордан миннатдор қайвонилар бугун жамиятимизнинг барча жабҳаларида фаол бўлишга ҳаракат қилмоқда. Вилоятдаги 14 туман (шаҳар)да тажрибадан нуроний отахон ва онахонлардан иборат Нуронийлар жамоатчилиги кенгашлари ва барча маҳаллаларда Кексалар маслаҳати гуруҳлари ташкил этилган. Улар ёшларни Ватанга садоқат, элга муҳаббат руҳида тарбиялаш, оила ва маҳаллаларда жинсотиқчиликнинг олдини олиш, бевақт оилавий ажрашишларга йўл қўймаслик масалаларида фаоллик кўрсатмоқда. Тошкент шаҳри тажрибасидан улги олиб, “Ҳар бир нуроний — 5 нафар ёшга мураббий” тамойили асосида 11 минг 250 нафар нуроний тарбияси оғир ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 58 минг 125 нафар ёшга ва нотинч оилаларга бириктирилган эди. Улар маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар ҳамда суҳбатлар ташкил этгани бугун ўз самарасини бермоқда. Ҳозирги кунда бундай ёшларнинг аксарияти тўғри йўлга тушди, ажрашиш ёқасига келиб қолган кўплаб оилаларда ижтимоий барқарорлик таъминланди.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ — ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЯНГИ ХАЛҚЧИЛ СИЁСАТИ

Куни кеча Президентимиз жойларда сайловчилар билан учрашувларида энг кўп тилга олинган иккита энг муҳим масала юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Биринчи масала — “Инсон қадри учун” тамойили бош мақсад қилиб олинган “Янги Ўзбекистон” массивлари комплекс ривожланиш асосида барпо этилади.

Оилалардаги ижтимоий муаммоларнинг аксарияти вақтинча ишсизлик, моддий таъминот етишмаслиги ва уй-жойга эҳтиёж туфайли келиб

чиқади. Бу муаммолар шаҳарларда sanoat корхоналарини ташкил этиш орқали ўз ечимини топаётган бўлса, қишлоқларда деҳқон хўжаликлари фаолиятини юритиш, томорқалардан самарали фойдаланиш, чорвачиликни (хусусан, паррандачилик, қўёнчилик, асаларичилик ва ҳоказо) ривожлантириш билан ҳал этилмоқда.

Шу маънода, “Янги Ўзбекистон” массивлари муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Гап шундаки, ҳар бир массивга ажратиладиган ер участкаларида sanoat лойиҳалари, хизмат кўрсатиш объектлари ва ижтимоий инфратузилма бир вақтда қурилади. Демак, бу массивлар аҳолиси ўз уйи яқинида ишли бўлиш, яхши даромад топиб, фарзандларини замонавий таълим муассасаларида ўқитиб, ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказиши мумкин.



66

Нуронийлар масканларида спорт билан шуғулланиш, китоб мутулаа қилиш ва шахмат-шашка ўйнаш учун имкониятлар яратилди. Буларнинг барчаси Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида биноан йўлга қўйилди.

Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар ва ёлғиз аёлларни уй-жой билан қамоллати таъминлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келади. “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилаётган уйларнинг мингтаси эҳтиёжманд оилалар ва ёлғиз аёллар учун давлат томонидан қафолатли сотиб олинishi ҳам ана шу сиёсатнинг узвий давоми сифатида бугун халқимизни хурсанд қилмоқда.

Иккинчи масала — “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилади.

Бу лойиҳа асосида шаҳарлар, туман марказлари ҳамда аҳоли пунктларида экологик вазият ва ҳаво тазалигини яхшилаш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар бажарилади. Яъни йилга 200 миллион туп дароҳт ва бутта кўчат экилиб, шаҳарлардаги яшил майдонлар амалдаги 8 фоиздан 30 фоизга етказилиши режа қилинган.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналари, узумчилик кластерлари ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Наманган вилоятининг 5 та тоғолди туманида 2021-2022 йилларда 15 минг гектарда янги тоқзорлар барпо этиш кўзда тутилмоқда. Бу эса 15 минг янги иш ўрни ва мисли қурилмаган даромад манбаи деганидир. Ундан ташқари,

МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚ УЧУН ОБОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ЯРАТИШ

Бир сўз билан айтганда, сайловчиларнинг салмоқли овозини олиш билан қайта сайланган Шавкат Мирзиёев барча наманганликлар, хусусан, нуронийларни келажакка янада ишонч билан боқилга, она Ватанимиз дунё ҳамжамиятида мўносиб ўрин эгаллашига умид қилишга ундайди.

Давлатимиз раҳбари яқинда “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига жавоб берар экан: “Янги Ўзбекистон — демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умуммэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланидиган, пировард мақсади халқ учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир”, дея таъкидлади.

Ушбу мақсадларга эришишда барчамиз жонажон Ватанимизга бўлган чексиз меҳримиз ва садоқатимизни муқаддас байроқ қилиб, бор билим ва тажрибамиз, ақл-заковатимизни ишга солиб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, қўзлаган эзгу мақсадларимизга, албатта, етамиз.

МУНОСАБАТ

ҲАР БИРИМИЗДА ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРА ОЛАДИГАН КУЧ БОР

Сайлов — келажак танлови. Шу боис, мамлакатимизда бўлиб ўтган муҳим сиёсий жараён — Президент сайловида ҳар бир юртдошимиз ўз порлоқ келажакига ишонч билан муносиб номзодга овоз берди.

Сайловда фуқароларимиз фаоллиги кузатилганини халқаро экспертлар ҳам алоҳида эътироф этди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки кейинги беш йилда халқимиз ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон ва халқимиз ҳаёти буткул ўзгарди. Бу қўтлуг эврилишлар фуқароларимизнинг ислохотларга ишонч ҳиссини мустаҳкамлади.

Биз бўлиб ўтган Президент сайловидаги уч муҳим жиҳатга эътибор қаратмоқчимиз.

Биринчидан, бу йилги сайловда ҳар бир оила аъзоси шахсан ўзи овоз беришга ҳаракат қилди. Бу нимадан далолат? Аввало, ҳар бир сайловчининг ислохотларга дахлдорлик ҳисси ошгани кўзгусидир.

Бундан беш йил муқаддам катта умидлар билан ўз Президентини сайлаган Ўзбекистон халқининг дунёқараши ўзгарди. Юртдошларимиз билдики, янги Ўзбекистон ислохотлари ортага қайтмас тус олган, бу жараёнда ҳар бир фуқаронинг хоҳиш-истаклари, орзу-умидлари рўёбга чиқа бошлади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиклик, шаффофлик тамойиллари таъминланди.

Ҳар бир юртдошимиз қонунчилик ислохотларида фаол иштирокчиға айланди. Давлат бюджетини халқимиз тақлифлари ва ташаббуслари асосида шакллантирила бошланди. Халқ дарди давлат ва ҳукумат дарди сифатида бўй кўрсатди,

оилавий муаммолардан тортиб, маҳалла, туман ва шаҳар миқёсида узоқ йиллар ечилмай келаятган масалалар фуқароларимиз тақлифлари асосида ҳал қилиниши амалиёти йўлга қўйилди.

Шу боис, халқимизнинг беш йил олдинги умиди бугун мустаҳкам ишончга айланиб, ҳар бир сайловчи ўз овозининг қадри борлигини англаб етди. Бу ҳам янги Ўзбекистонда эришилган ниҳоятда катта ғалаба бўлди.

Иккинчидан, Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаоллашди. Бу ҳам мамлакатимиз кучли давлатлар сафидан жой эгаллаши учун соғлом сиёсий рақобат пайдо бўлганидан далолат.

Биз буни Президент сайловида ўз номзоди билан қатнашган сиёсий партияларнинг сайловдаги ташвиқот тадбирларида, номзодларнинг дастурида илгари сурилган ғоялар, ташаббусларда ҳам кўрдиқ ва бевосита танидиқ.

Ҳар бир номзод халқимиз фаровонлигини янада ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни, янги ғояларни илгари сурди. Бунинг учун пар-

Беш йил муқаддам катта умидлар билан ўз Президентини сайлаган Ўзбекистон халқининг дунёқараши ўзгарди. Юртдошларимиз билдики, янги Ўзбекистон ислохотлари ортага қайтмас тус олган, бу жараёнда ҳар бир фуқаронинг хоҳиш-истаклари, орзу-умидлари рўёбга чиқа бошлади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиклик, шаффофлик тамойиллари таъминланди.

тияларга тенг имкониятлар яратилди. Буни халқаро кузатувчилар ҳам тўлиқ эътироф этди.

Албатта, сайловда иштирок этган партиялар номзодлари ўз фикрларини тўлиқ, ҳеч иккиланмасдан айта олиши, баҳс-мунозараларга киришишини янги Ўзбекистоннинг амалдаги очиклик, шаффофлик сиёсати натижаси, дейиш мумкин.

Қолаверса, тарғибот-ташвиқот кураш майдони сиёсий партиялар, ҳатто ижтимоий фаол бўлмаган фуқаролар эътиборини жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги муаммоларини ўйлашга жалб этиши билан ҳам аҳамиятланир.

Учинчидан, Ўзбекистондаги Президент сайлови жараёнида халқаро ва чет эллик кузатувчиларнинг фаоллиги кузатилди.

Буни, аввало, мамлакатимиздаги ислохотларга халқаро ҳамжамиятнинг катта қизиқиш билдираётгани тасдиғи, дейиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, сайловни ўтказишда халқаро кузатувчиларнинг фикр-мулоҳазалари муҳим саналади. Бу жараён жаҳон миқёсида тажриба алмашиш имкониятини тақдим этади.

Шу маънода, дунё сиёсат вакиллари, халқаро кузатувчилар мамлакатимизда 130 га яқин миллат ва 15 дан ортиқ турли дин ва конфессия вакиллари истикомат қилаётгани ўлароқ, Ўзбекистон миллатларига тотувлики таъминлашининг энг ёрқин намунаси сифатида эътироф этилгани алоҳида аҳамиятли.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда Президент сайлови турли халқаро эътирофларга эришди. Энди олдимизда аввалги йилларга нисбатан ҳам жуда катта мақсад-вазифалар турирди. Бу йўлда халқимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамфикрликда ҳаракат қилсак, ўтган беш йиллик тажрибадан яхши маълум бўлганидек, албатта, қўзлаган маррага етамиз. Зеро, дунёга машҳур ёзувчи Роальд Даль таърифи билан айтганда, ҳар биримизнинг ичимизда дунёни ўзгартира оладиган куч бор.

Санъат НУРМАТОВ, сиёсатшунос эксперт



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОХОТЛАРИ — АМАЛДА

“ЯНГИ ИФТИХОР” МАҲАЛЛАСИ

Бошланиши 1-бетда

Бу — Чирчиқ шаҳрининг “Янги ифтихор” маҳалласида яшовчи Қаҳрамон Низомовнинг иқрори. Маҳаллада бир-икки йил аввал ҳам Қаҳрамон ака каби ўз маҳалласидан уялган, бугун эса фикрини ўзгартириб, маҳалласи билан фахрланадиган юртдошларимиз талайгина. Биз “Янги ифтихор” маҳалласидаги шарт-шароитларни ўз кўзимиз билан кўриш мақсадида Чирчиқ сари йўл олдик...

“Чирчиқни одамлар келиб ҳавас қиладиган шаҳарга, вилоятда намунага айлантиришимиз керак”

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифи давомида аҳоли билан учрашиб, уларнинг муаммолари билан танишмоқда, фикрларини тингламоқда. Деярли ҳар бир ҳудудда Президентнинг халқ ичига кириб бораётгани, маҳаллалар ва хонадонлардаги шароит, одамлар турмуш тарзи билан шахсан қизиқаётгани янгилик бўлмай қолди.

Мана шу ташрифлар ва суҳбатлар чоғида ўртага чиққан муаммолар юзасидан тегишли топшириқлар берилиб, халқни рози қилиш йўлида янги уйлар бунёд бўлмоқда, ичимлик сув, иссиқлик тизими яхшиланяпти, боғлар ташкил қилиняпти. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига қўмак кўрсатиляпти. Натижада қийналган, умидсизликка тушиб қолган юртдошларимиз қалбида бугунги ислохотларга ишонч, умид хисси ошмоқда.

Жорий йилнинг март ойи. Наврўз чирчиқликлар ҳаётига чин маънода янги кунларни, янги орзу-умидларни бошлаб келди.

Байрам арафасида давлатимиз раҳбари Чирчиқ шаҳрига ташриф буюриб, ҳудуд билан қиёваси янгиланди. Маҳаллаларда бўлиб, шаҳар аҳли билан дилдан суҳбатлашди, кексалар ва беморлар ҳолидан хабар олди. Бу ташриф, айниқса, кўп миллатли “Янги ифтихор” маҳалласи аҳолиси турмуш тарзида туб бурилиш эсади, яна ҳам тўғрироғи, бу воқеа маҳалла аҳли ҳаётида янги саҳифа очди.

Ташрифнинг эртасигаёқ Чирчиқ шаҳрини, жумладан, “Янги ифтихор” маҳалласини ободонлаштиришга киришилди. Аввало, кўп қаватли уйларнинг ташқи кўриниши тартибга келтирилди. Кўп қаватли 16 та уйнинг коммунал тармоқлари ва ташқи қиёфаси янгиланди. Уйлар олдига болалар ўйингоҳлари, спорт майдончалари, автотураргоҳлар ташкил этилди. Йўлақлар асфальтланиб, кўчаларга чироқлар ўрнатилди, саломатлик ва велойўлақлар қурилди. Ҳудуд ободонлаштирилиб, майсазорлар барпо этилди. Маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино, унинг рўпарасида кутубхона қад ростлади. Ҳудуддаги 7-умумтаълим мактаби ҳамда 5-мактабгача таълим ташкилоти капитал таъмирланиб, замонавий қиёфага

кирди. Болалар мукамал таълим-тарбия олиши учун хоналарда барча шароит муҳайё қилинди. — Президентимиз шаҳримизга ташрифи чоғида: “Чирчиқни одамлар келиб ҳавас қиладиган шаҳарга, вилоятда намунага айлантиришимиз керак”, дея таъкидлаган эди. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, қисқа фурсатда шаҳар мислсиз даражада ўзгарди, — дейди шаҳар ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Сайёра Файзиева. — 162 мингдан ортиқ аҳолига эга шаҳримизда муаммолар йиғилиб қолган эди. Барчаси бирма-бир ўз ечимини топмоқда. Муҳими, одамлар ислохотлардан мамнун, ўз ҳаётидан рози. Шаҳар бўйлаб 5 километр саломатлик ва велойўлақлар, 11 километр узунликда пиёдалар йўлағи қуриб битказилди. Бироқ иш ҳали тугамади. Йил якунига қадар бунга яна бир неча километр қўшилади. Шунингдек, дам олинадиган ва болалар майдончалари қурилди. Аҳоли саломатлигини ўйлаб қилинган бу хайрли ташаббус ҳадемай ўз самарасини беради, деб умид қиламиз.

“Хонадонбай” ишлаш орқали муаммоларга ечим топиляпти

Замонавий арка орқали гавжум кўчага ўтиб олдик. Кўча саранжом-саришта, кўп қаватли уйларнинг олди болалар шовқини билан файзиёб бўлиб турибди. Тури раида товланаётган куз гуллари обод маҳалла кўркига кўрк қўшган.

Янги барпо этилган “Янги ифтихор” МФЙ биноси атрофи ҳамма гавжум. Чунки мактаб ва боғча — ҳудудга ёндош. Бунинг устига, МФЙ биноси рўпарасидан янги кутубхона ҳам жой олди. Бу рамзий маънода ҳам маҳалла биноси ва кутубхона атрофида халқни жиғлаштиришга хизмат қилади.

“Янги ифтихор” маҳалласида 3 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Шундан 420 нафари 18-30 ёшлилар. Бугунги кунда ҳудудда барча қулайликларга эга 7, 9, 16 қаватли уйлар қурилмоқда. Мазкур маҳаллага ёндош ҳудудда 4 сотихли 2 қаватли кўтёжлар ҳам бунёд бўлмоқда. Маҳалла раиси Дилшод Етмишовнинг мамнуияти билан таъкидлашчи, бу — бугунги ислохотлар самараси. Уйлар қуриб битказилса, маҳалла янада гавжумлашади.



— Маҳалламизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилади, — дейди Д.Етмишов. — “Хонадонбай” ишлаш тизими орқали кўп муаммоларга ечим топиляпти. Ким қандай яшаяпти, қўни-қўшни билан муносабат қандай, маҳалламиз учун қандай ташаббус билан чиқаяпти, элу юртга нафимиз тегиши учун қандай бирлашишимиз керак — барча саволларимизга жавоб топиляпти. Энг муҳими, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”нинг йўлга қўйилган маҳаллалардаги аҳоли қандай кун кечираётганини аниқлашда қулай имконият яратди. Дафтарлар орқали қанчадан-қанча одамнинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар бўлди: кредит ва субсидия ажратилди, бандлиги тасминланди, тиббий кўмак кўрсатилди. Бир мисол айтاي. Ҳудудимизда яшовчи Индира Шўлдибоева сартарошликка қизиқди. У 33 миллион сўм кредит олиб, сартарошхона хизматини йўлга қўйди. Нарғиза Акбарова эса шаҳар ободонлаштириш бўлимига ишга жойлаштирилди. Гулбиби Азимовага кўзининг операцияси учун пул ажратилди. Улар орасида тикув машиналари берилиб, чеварчилар билан машгуллари бор. Бир сўз билан айтганда, маҳалламиз ҳам ободликка юз тутди, ҳам ижтимоий ҳимоя масаласи анча илгарилади. Буларнинг бари мамлакатимиздаги оқилона сиёсат туфайли, десам муболага бўлмайди. Бу биргина менинг эмас, маҳалладошларнинг ҳам эътирофи.

“Баъзан “Ифтихор” маҳалласида яшайман”, дейишга уялганман” ...

Одам ўз уйида кўзга сезилмас ўзгариш қилса ҳам ҳаётига фараҳ инеди. Ҳатто гулзорига суқилган бир туپ гул ёки томорқасидаги дарахтнинг илк нишонаси ҳам неча кун, неча ойлаб кайфиятини чоғ қилади. “Янги ифтихор”даги янгилини эса ҳудудда яшовчи аҳолига кўтаринки кайфият бахш

этан. Буни одамларнинг юз-кўзидаги ифодалардан илғаб олиш қийин эмас.

Қаҳрамон НИЗОМОВ, “Янги ифтихор” маҳалласи фаоли:

— Шу маҳаллада яшаётганимизга йигирма йилдан ошди. Шаҳар маҳалласи бўлишига қарамай, қаров йўқ, кўчалар ўнқир-чўнқир, оқшом тушиши билан одамнинг юраги орқага тортарди. Йиллар давомида “Ифтихор” маҳалласида турман, деган гапни айтишга уялиб яшадик. Бугун, аксинча, “Янги ифтихор” маҳалласида яшайман”, дейишдан ифтихор туйяпмиз, ким келса, очик чехра билан кутиб оламиз. Тўғриси айтсам, маҳалладан кўчиб кетганлар яна қайтиб келиш ҳаракатига тушиб қолди. Мактаб ва боғчани қаранг. Невараларим шундай шароитларда таълим-тарбия олади. Ҳовлида болалар майдончаси бор, невараларимдан кўнглимиз тўқ, бемалол пастга тушиб ўйнайди. Яхшики,



Ҳокими Қўдратова олган суратлар.

қизлар неча йиллик орзуларига етди. Ҳудуддаги 1 минг 550 ўринли 7-умумтаълим мактаби капитал таъмирдан чиқиб, ўқувчиларнинг таълим-тарбия олиши учун замонавий қиёфага кирди. Фан хоналари керакли жиҳозлар билан тасминланди, замонавий лаборатория асбоблари ўрнатилди. Ўқувчиларнинг хориж тилларини пухта

маҳалла ва мактабимизнинг ҳам ютуғи. Мактабимиз ихтисослашган мактаблар билан беллашадиган даражага етди. Бироқ бу ҳаракатларимиз кам. Яратилган шароитларни оқлаш, мамлакатимиздаги етакчи умумтаълим мактаблари қаторидан жой олиш учун тинимсиз ишлашимиз, ҳаракат қилишимиз лозим.



ЧИРЧИҚНИНГ ФАХРИГА АЙЛАНДИ

ўзлаштириши учун ўқув-кўргазма куролларидан ташқари, яқкалик стол-стуллар келтирилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур мактабга қайта ташриф буюриб, унда яратилган шароитлар билан танишди. “Сизлар замонавий билим олиб, эртага янги Ўзбекистоннинг муносиб ворислари бўлиб улғайишнгиз учун ҳамма шароитларни яратамиз. Яхши ўқиб, соғлом бўлиб улғайинг, менинг ниятим — шу. Чунки нажот — таълимда, билимда”, дея таъкидлади Президентимиз.

Мавжуда АШИРОВА, 7-умумтаълим мактаби директори:

— 52 йилдан буён таълим тизимида ишлайман. Фаолиятимнинг 22 йили айнан шу мактаб билан боғлиқ. Ўтган йиллар мобайнида мактаб биносини, синфхоналарни таъмирлай-вериб эсимиз кетди. У ёғини таъмирласак, бу ёғи таъмирталмади, бу ёғига қарасак, у ёғи... Тўрт қисмдан иборат бинонинг бир қисми жой йўқлиги туфайли болалар мусиқа санъат мактабига ажратиб берилганди. Бунинг устига, ўқувчилар қамрови кенг, таълим жараёни икки сменада эди. Тушдан сўнг ўқийдиган ўқувчиларнинг дарслари шомга қадар чўзиллиб кетар, қиш-қировли кунлари ўқитувчиларнинг ҳавотури ташвиши ортарди. Йўлақлар қоронгу, қуёқ чироқлари йўқ, бори ҳам ёритмасди.

Давлатимиз раҳбарининг шахсан ташаббуси билан барча муаммоларга барҳам берилди. Болалар мусиқа ва санъат мактаби учун янги бино қурилди. Бизнинг муассасамиз капитал таъмирдан чиқди. Кенг, қишда иситиш муаммо бўлган хоналар ўртасидан бўлиниб, бугунги стандартларга мос ўқув хоналарига айлантирилди. Энг қувонарлиси, ўқувчилар энди бир сменили тартибда таълим олмақда.

Мактаб стадионида бошланғич ҳамда юқори синф ўқувчиларининг физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида-алоҳида баскетбол майдончалари қурилгани кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ҳам спортга бўлган қизиқишини оширмоқда.

Мактабимизга ота-оналар ташрифи кўпайган. Ўқувчиларнинг руҳи кўтарилган. Ўтган ўқув йили билан бу йилгиси ўртасидаги фарқ биз — педагогларга сезилаяпти.

Ўқувчимиз Абдулазиз Чориев фан олимпиадаси шаҳар босқичида математикадан 1-ўринни кўлга киритди. Мохирун Бўриева “Гиёҳвандлик — аср вабоси” иншолар танловида вилоятда 1-ўринни олди. Зарифа Орзиқулова эса “Она тилим — факрини” танловининг шаҳар босқичида 3-ўринга муносиб қўрилди. Ўқувчиларнинг спортга қизиқиши юқори. Улар эришадиган муваффақиятлар

Янги иш ўринлари яратилди

Мактабдан чиқиб, равон йўлак бўйлаб юриб кетдик. Дарсдан қайтаётган ўқувчилар, ёш фарзандини тоза ҳавога олиб чиққан оналар, бобо-бувилар — барчасининг муомаласида шира, кийинида тартиб бор.

“Барибир юксак эътибор одамларга ҳам ўз таъсирини ўтказар экан”, дейди кўнглимиздан ўтганини сезгандай ҳамроҳимиз Сайёра Файзиева.

Мактабдан сўнг яна бир бино эътиборимизни тортиди. Икки қаватли, янги таъмирдан чиққан яққол сезилиб турган бино маҳалла боғчаси — 5-МТТ экан. Ҳовлида бизни муассаса раҳбари Мадина Худойберганова қарши олди.

— Сизларни ҳам фарзандини боғчага бериш истагида келган ота-оналардан деб ўйлабман, — дея қулди Мадина Худойберганова. — Муассасамизга талаб кундан-кун ортиб борапти. Шаҳарнинг бошқа маҳаллаларидан ҳам “Болам шу боғчада тарбиялансин”, деб келётган ота-оналарнинг қадами узилмади.

Аслида, боғчамиз 280 ўринли эди. Янги таъмирдан сўнг қўшимча хоналар қурилди ва қамров 360 тага етказилди. Энг муҳими, аввал бир хонада болалар ҳам таълим-тарбия олган, ҳам овқатланган бўлса, эндиликда янги ошхона болажонлар ихтиёрига топширилди. Улар икки навбат билан янги ошхонада овқатланадиган бўлди.

Мадина Худойберганованинг айтишича, қамров кенгайиши билан боғчада қўшимча янги иш ўринлари ҳам яратилди. Спорт ва хорижий тилларни ўргатиш учун янги тўрақлар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Шоира Олпобердиева, Адита Раҳимова, Гулмира Амирова, Севара Аҳмедова, Гулзафар Турсунқулова, Умида Каримова каби тажрибали педагоглар таълим-тарбия жараёнини қизиқarli ташкил этиш учун ўз устида ишлайди. Айни пайтда уларнинг барчасида бир мақсад — берилган эътиборни муносиб даражада қадрлаш, ҳалол меҳнат билан оқлаш.

Уйингизда тўйлар бўлсин!

Биз “Янги ифтихор” маҳалласи ёки Чирчиқ шаҳридаги ободликка юз тутаётган манзиллар — шаҳар маданият саройи, кўп қаватли уйлар, саломатлик йўлақлари, жумладан, аҳоли турмуш тарзидаги ўзгаришлар, янгилинишлар ҳақида кўп ёзишимиз мумкин.

Сафаримиз якунида “Янги ифтихор” аҳлига янги қиёфага кирган маҳалла кўтлуг бўлсин, Қаҳрамон ака каби маҳалла нуронийларига “Уйингизда тўйлар бўлсин”, дея тилак билдириб, ортга қайдик.

Башорат ЮНУСОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ДАВРА СУҲБАТИ

ТАДБИРКОРЛИК КОДЕКСИ:
ИҚТИСОДИЙ
ЭРКИНЛИК КАФОЛАТИ

Бошланиши 1-бетда

Унда Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти бош илмий ходими, юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Омонбой ОҚЮЛОВ, мазкур институт бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор Миродил БАРАТОВ, Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ ҳамда Давлат ва ҳуқуқ институти етакчи илмий ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори Ихтиёр ТЎРАБОЕВ иштирок этди.

— Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун юзага келган зарурий омиллар нималарда намоён бўлмоқда?

О.ОҚЮЛОВ: — Мамлакатимизда бозор муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнининг ҳуқуқий асосларини яратиш қонунлар билан бир қаторда, қонуности ҳужжатлар орқали ҳам амалга оширилди. Кўплаб вазирлик ва идоралар ўз соҳаси ва ваколати йўналишида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишчи минглаб норматив ҳужжат қабул қилди. Уларда тадбиркорлик фаолиятини муайян соҳаларда ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича оқилонга нормалар қаторида идоравий манфаатларни ифодаловчи, муайян бюрократик таомилларни назарда тутувчи нормалар, шунингдек, бошқа



идораларнинг норматив ҳужжатларига зид жиҳатлар пайдо бўлди.

Натижада ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун ноқулайлик вужудга келди. Бунинг устига, вазирлик ва идораларнинг маҳкамавий норма ижодкорлиги жараёни давом этмоқда. Буларнинг ҳаммаси тадбиркорлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам бирхиллаштириш, тизимлаштириш, қисқартириш тадбирларини қўришни тақозо этмоқда. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда норматив ҳужжатлардаги қарама-қаршиликларнинг ечими сифатида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги таъминлиги белгилан бўлган. Бироқ ундан суд амалиётида тўлақонли фойдаланиш таъминланмади. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга ҳаддан ортққ уриниш амалда тадбиркорлик субъектлари мустақиллиги, эркинлиги, ташаббускорлигини чеклашга олиб келди.

Таъкидлаш лозимки, бизнесни тартибга солишчи норматив базанинг кенглиги бошқа давлатларда ҳам кузатилади. Бироқ бу соҳада уларда норматив қонунлар асосий мавқега эгаллиги, ҳуқуқий базанинг ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлангани, юқори даражадаги малакали адвокатур ва юридик хизмат тизими мавжудлиги ва суд амалиётининг мустақиллиги ҳамда қонунлар тўғри қўлланиши сабабли қийинчилик ва муаммолар вужудга келмайдми.



М.БАРАТОВ: — Ўзбекистоннинг собиқ иттифоқ давридаги тажрибасидан маълумки, мулкни ҳаддан ташқари марказлаштириш ва жамиятнинг барча муаммоларини давлат зиммасига юклаш ҳамда давлатнинг нималарга қодирлигини четдан туриб кузатиш охири-оқибат иқтисодий таназулга олиб келди. Зеро, ўша даврда давлатнинг қўлида мавжуд моддий неъматларнинг 90 фоизидан кўпроғи тўпланиб қолиши иқтисодий муносабатларнинг турғунлашувига сабаб бўлгани аччиқ ҳақиқатдир.

1995 йил 21 декабрда “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш тўғрисида”ги, 1999 йил 14 апрелда “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. 2000 йил 25 майда 51 моддадан иборат “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг амалга киритилиши билан эса юқоридаги ҳужжатларнинг аксари ўз кучини йўқотди. 2012 йил 2 майда мазкур қонун (ҳозир амалда) айнаи ушбу номда янги таҳрирда қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда тадбиркорлик фаолияти муносабатлари ҳуқуқий маконда жадал ривожланмоқда. Хусусан, мазкур соҳа 440 дан ортққ норматив-ҳуқуқий ҳужжат (80 дан ортққ қонун, Президентнинг 170 дан ортққ фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан ортққ қарори) билан тартибга солинган.

Кўриниб турибдики, муносабатлар кўлами кенг ва шунга монанд сочилиб кетган. Бу ҳол ҳуқуқни қўлловчилар — тадбиркорлар учун ҳам, маъмулар учун ҳам талай қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Муайян муносабатни аниқлаш учун бир пайтнинг ўзида ўнлаб ҳужжатни варақлаш лозим бўлмоқда.



Ш.РЎЗИНАЗАРОВ: — Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида 5 та

янги, жумладан, Тадбиркорлик кодексини лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Унда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини тўлиқ кодификация қилиш, миллий иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишини ҳисобга олган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятини монополияга қарши тартибга солишни тубдан қайта қўриб чиқиш, тадбиркорлик эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар ва кафолатлар, тадбиркорлик субъектлари ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, бошқа қатор муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор берилган.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шартлида тадбиркорлик қонун ҳужжатлари ҳолати ва тенденциясини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Бу жараён бизнес соҳасидаги қонун ҳужжатларини ягона тизимга келтириш ва тақомиллаштиришга сезиларли таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда Тадбиркорлик кодексини лойиҳасини ишлаб чиқиш илк тажрибадир. Мақсад — тадбиркорлик субъектлари ва давлатнинг ўзаро муносабати соҳасида қонунчилиқни ривожлантириш, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан ва ҳуқуқий тартибга солишда зиддиятчи нормаларни, ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, эркин тадбиркорлик фаолиятига ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар яратиш ва унинг кафолатланган ҳуқуқий механизмларини тақомиллаштиришдан иборат.

— Бу борада хорижий давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда қандай аҳамият касб этади?



И.ТЎРАБОЕВ: — Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишчи қонун ҳужжатларини кодификация қилиш анча мураккаб жараён. Шунинг учун илғор тажрибага эга давлатлардаги вазиятни ҳамда кодификация қилиш моҳиятини ўрганиш муҳим. Масалан, 1994 йили Россия Федерациясида Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласи кўтарилган. Аммо бу кодекс хузузгача қабул қилинмаган. Мамлакатда тадбиркорлик қонун ҳужжатларини кодификация қилиш мавзуси ҳозирга қадар илмий диоирларда кўп мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Баъзи олимлар фикрича, Россияда тадбиркорлик муносабатларини тартибга солишчи ҳуқуқий база, яъни Фуқаролик кодекси ва унинг қондаларини ривожлантиришга ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган амалдаги қонунлар вазифасини яхши бажармоқда ва Тадбиркорлик кодексини қабул қилишга ҳолат йўқ.

Украина собиқ иттифоқ таркибига кирган республикалар орасида биринчилардан бўлиб Ҳўжалик кодексини қабул қилди. Аммо унинг аҳамияти бўйича олимлар ва амалиётчилар турлича фикр билдириб келади.

О.ОҚЮЛОВ: — Европанинг баъзи мамлакатларида Иқтисодий кодекс ишлаб чиқилмоқда. Дуалистик тизимдаги мамлакатларда Тадбиркорлик кодексини қабул қилинса, иқтисодий блок триада, яъни Фуқаролик кодекси, Савдо кодек-

си ва Тадбиркорлик кодексига асосланади. Ўзбекистон каби мамлакатларда эса дуалистик ўзақ вужудга келади: Фуқаролик кодекси — Тадбиркорлик кодекси. Бунда, энг асосийси, икки ҳуқуқий ҳужжатнинг таъсир доирасини аниқ белгилаш, бир-бирини тақорлашга ва турли коллизияларга, рақобатга йўл қўймаслик ҳисобланади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишчи ҳуқуқий майдонда туртта ресурс манба амал қилади: Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари; ўзини ўзи тартибга солиш ҳуқуқий майдони — локал, корпоратив манбалар тизими; иш муомаласи одатлари ва маҳаллий урф-одат, анъаналар; хорижий мамлакатлар қонунлари.

Юртимизда сўнгги вақтларда махсус иқтисодий зоналарда англо-саксон ҳуқуқ тизими кенг қўлланоқда. Нобанк фаолият тўғрисидаги қонун лойиҳаларида ислом молияси нормаларини жорий этишнинг юридик асослари белгиланмоқда. Халқимиз ҳалол, ҳаром, инсоф, адолат категорияларига амал қилади ва унинг ахлоқий асослари мусулмон ҳуқуқий нормаларига ўзвий боғланган. Қирғизистон Фуқаролик кодексида эълликка яқин норма мусулмон ҳуқуқи шартнома конструкцияларига бағишланган. Эҳти-мор, Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида ҳам тадбиркорлар учун муқобил танлашга асосланган имкониётлар тизимини белгилаб қўйиш мумкин бўлар.

Ш.РЎЗИНАЗАРОВ: — Қонун ҳужжатларини унификация қилиш (бирхиллаштириш) мақсадига кодекслаштириш нафақат миллий қонунчилик тизими нуқтаи назаридан, балки хорижий дав-

“



Иқтисодий ҳамкорлик соҳасида хорижий давлатлар билан давлат-хусусий шерикликни амалга оширишга, қонунчилик нормаларини тадрижий ривожлантиришга, нафақат миллий тадбиркорлик субъектлари, балки хорижий давлатлар инвесторларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида ҳуқуқий мониторинг объекти сифатида қаралиши лозим. Бугунги кунда кўп бор таъкидланаётган хусусий ва оммавий ҳуқуқни том маънода тушуниш ижтимоий реалликка мос келмайдми.

”

латлар тажрибаси бўйича ҳам ғоят долзарб масала. Бундай тизимлаштириш усули қадимий англо-саксон билан романо-герман ҳуқуқий тизимида ҳам учрайди. Зотан, тадбиркорлик (савдо-тижорат) фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни кодификация қилиш тажрибаси АҚШ, Европа ва Осиёнинг айрим давлатларида самарали қўлланиб келмоқда.

Бунга АҚШда 1952 йилда қабул қилинган бирхиллаштирилган Тижорат кодекси, Францияда 2000 йилда (қонунчилик қисми) ва 2007 йилда (тартибга солишчи регламентор қисмлари) қабул қилинган Тижорат кодекси, Германияда 1897 йилда қабул қилинган Савдо қонунчилиқ тўплами, Корея Республикасида 2012 йилда қабул қилинган Тижорат қонунини мисол келтириш мумкин. Ушбу давлатлар тажрибасини ўрганиш шундан далолат берадики, устувор аҳамиятга эга бўлган бу борадаги қонунчилик ривожини соҳада тизимли қонун ижодкорлиги фаолиятининг маҳсулидир.

— Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқишда амалдаги қонунчилик ҳужжатларини консолидация қилиш ёндашуви устувор бўлиши лозим, деган қарашлар ҳам мавжуд. Умуман, ушбу кодекс шаклан ва мазмунан қандай бўлиши мақсадга мувофиқ?

О.ОҚЮЛОВ: — Тадбиркорлик кодексининг тартибга солишчи муносабатлар предмети доирасига тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, улар фаолиятини йўлга қўйиш ва бошқариш, шартномавий-ҳуқуқий базасини белгилаш, давлат назоратини амалга ошириш усул ва воситаларини, тадбиркорлик субъектларини қайта ташкил этиш, тугатиш ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кафолатлар тизимини ўрнатиш бўйича ҳуқуқий асослар кириши лозим.

Кодекснинг умумий қисмида тадбиркорлик тушунчаси, субъектлар доираси, уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кафолатлар тизими ва улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хусусиятлари ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ. Ушбу нормалар тизимини яратишда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонундан унумли фойдаланиш мумкин. Тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари томонидан назорат қилиниши қисмида “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати тўғрисида”ги қонун нормалари адаптация, қайта ишлаш ва тақомиллаштириш асосида андоза сифатида олиниши тақдир этилади. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонундан ҳам тегишличи адаптация қилинган ҳолда фойдаланиш мумкин.

Ш.РЎЗИНАЗАРОВ: — Стратегик тараққиётнинг ҳозирги даври турли ҳуқуқий тизимдаги давлатлар учун адолатли, оқилонга манфаатли “рақамли қондалар”нинг мавжуд бўлишини та-

нимаки тақиқланмаган бўлса, рухсат берилиши, акси исботланмагунча тадбиркорлик субъектларининг инсофлиги презумпцияси белгиланиши, мулк дахлсизлиги, шартнома тузиш эркинлиги, етказилган зарарлар тўлиқ қопланиши ҳақидаги қондалар Тадбиркорлик кодексига мустаҳкамланиши лозим.

О. ОҚЮЛОВ: — Дарвоқе, лойиҳада фермер ҳўжалигини бутун дунёда қабул қилинган анъанавий ёндашувдан воз кечиб, янги талқинда баён этишга уриниш мавжуд. Фермер ҳўжалиги, анъанавий тушунча бўйича, ерга нисбатан хусусий мулкчиликка асосланган, яқка бошчилик асосида бошқариладиган, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштирувчи оилавий қорхона ҳисобланади. Лойиҳада эса малакаловчи белги сифатида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштириш бўйича тадбиркорлик фаолияти сифатида қаралади, у исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин. Бунда яқка тадбиркорликка ва оддий ширкатга ургу берилади. Яқка тадбиркор йирик ишлаб чиқаришни ташкил эта олмайди ва кластер тизимига қарам бўлиб қолади.

Хусусий қорхона, МЧЖ каби юридик шахсларга қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштиришга рухсат берилиши, бу соҳадаги яқка монополиянинг барҳам топиши, эҳтимол, ижобий тавсифланар. Лойиҳадаги талқиннинг оқибати нима бўлишини олдиндан баъшорат қилиш қийин. Агар бундай ёндашувда рационал маъно бор, деб ҳисобланса, у ҳолда, энг камида икки йил бирор ҳудудда эксперимент қилиб қўриш керак. Фикримизча, фермер ҳўжалигини анъанавий талқин этишдан чекиниб, йимта тушунча сифатида белгилаш оқилонга иш бўлмайди.

— Кодекс қабул қилиниши қандай натижа ва самаралар беради?

М.БАРАТОВ: — Универсал ҳуқуқий тартибга солиш механизминини шакллантирувчи ягона норматив манбадан фойдаланиш тадбиркорлик субъектлари, айниқса, ўзларининг юридик хизмат таркибий бўлимларига эга бўлмаган кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун катта қулайлик вужудга келтиради. Уларнинг ҳуқуқий савдохонлик босқичидан юридик малака ва кўникма босқичига ўтишига кўмак беради. Яъни, тадбиркорлик субъектлари ва давлат ўзаро муносабатларининг маъмурий тартиб-таомиллари соддалаштирилади ва рақамли бизнес юритишга ўтилади.

О.ОҚЮЛОВ: — Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишчи норматив массив ичамлашади, уларнинг ўзаро уйғунлиги таъминланади, таркибий қисмлар ўртасидаги коллизиялар, қарама-қаршилиқлар минималлашади, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизминини қучайтириш, кафолатларини мустаҳкамлаш имконини берувчи янги механизмлар вужудга келтирилади.

Ш.РЎЗИНАЗАРОВ: — Тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқ дахлсизлиги, айниқса, кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқий кафолатларини рўбга чиқаришдаги ғов ва тўсиқлар бартараф этилади, инновацион рақамли технологияларни қўллаш механизмлари ишлаб чиқилади, мол-мулкни ишончли бошқарувга бериш ҳуқуқий механизми кенгайди, тадбиркорлик фаолиятида коррупциянинг олдини олишга оид фуқаролик-ҳуқуқий воситаларни татбиқ этиш самарадорлиги юксалишига олиб келади. Иқтисодий эркинликка, қарорлар қабул қилишда мустақиллик ва иқтисодий тежамкорликка йўл кенгайди.

Суҳбат асносида маълум бўлдики, Тадбиркорлик кодекси нормалари Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунлардаги нормаларни тақорламаслиги ва унда зиддиятчи қондалар бўлмаслигига эришиш лозим. Бу эса қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳуқуқий тартибга солиш воситаларидан оқилонга фойдаланиши тақозо этади.

Суҳбатни “Янги Ўзбекистон” муҳбири Нодир МАҲМУДОВ ёзиб олди.

Мурод МУҲАММЕДОВ,
Самарқанд иқтисодийёт ва сервис институти профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда

Кластерларга эса қишлоқ хўжалигининг локомотиви сифатида қаралмоқда. Боиси, ушбу замонавий тизим хомашё етиштиришдан тортиб, тайёр маҳсулотни экспорт қилишгача бўлган жараёни таъминлаш, худудларда минглаб иш ўринлари яратиш, импорт маҳсулотларни маҳаллийлаштириш имконини бермоқда. Уларни янгича молиялаштириш тизимига ўтилиб, кластерларни қўллаб-қувватлашга оид қарорларнинг қабул қилиниши соҳада чин маънода катта ўзгаришларга йўл очади.

Бундан кейин қишлоқ хўжалигида молиялаштириш-кредитлаш шудгор давридан, яъни октябрь ойидан бошланиши, кластерларга кредитлар 24 ой муддатга ажратилиб, унинг имтиёзли даври амалдаги 11 ойдан 18 ойгача узайтирилгани ва бошқа имтиёзлар ҳам қишлоқ хўжалиги ривожига муҳим ўрин тутди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ — ХХІ АСРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОСИ

Иқтисодий ривожланиш ҳақида гап борганида, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш биринчи даражали масала эканини таъкидлаш жоиз. Америкалик таниқли социолог А.Маслоунинг инсон эҳтиёжлари иерархик пирамидасининг биринчи қаватида, яъни асосида одамнинг физиологик (органик) эҳтиёжлари жойлашгани бежиз эмас. Шу аксиома нуқтаи назаридан, келажақда аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қандай туб ўзгаришлар ва жиддий муаммолар юзга келиши мумкинлигини чамалаб кўрайлик.

Ер кўррасида яшаётган аҳоли сони йилга 80 миллиондан зиёдроққа кўпаймоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2050 йилга бориб сайёрамиз аҳолисининг сони 10 миллиард кишига яқинлашиши мумкин. Ҳозирнинг ўзида 1 миллионга яқин инсоннинг тўйиб овқатланиш имконияти йўқ ва улар очарчиликка ҳаҳкум. Муаммонинг иккинчи ва янада мураккаброқ жиҳати — 2050 йилга бориб аҳоли даромадларининг ортиши натижасида унинг озиқ-овқат маҳсулотларига талаби ҳам улуғсиз ўсиб боради.

Яқин 30 йил мобайнида бу борада юзга келиши мумкин бўлган муаммолар ўйратини яна бир қатор аҳамиятли, айрим ҳолларда, ўта аҳамиятли салбий ҳалқалар билан тўлдириш мумкин. Булар жумласига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришнинг асосий йўналиши сифатида янги ер майдонларини ўзлаштириш ва ишга тушириш ҳисобидан экин майдонларини янада кенгайтириш имкониятларининг мавжуд эмаслиги, қишлоқ хўжалигида тупроқ унумдорлиги пасайиши ҳисобига ҳосилдорлигининг тобора камайиб бориши, глобал иссиқнинг салбий оқибатлари ва уларнинг иқлим ҳамда об-ҳаво ўзгаришларига кучли таъсири, экинзорлар ва чорва молларини сугоришга яроқли прессланган тоза сув захираларининг геометрик прогрессияда камайиб бораётгани ва сув танқислиги муаммоларини киритиш мумкин.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ БОШ НУҚТАСИ

Жаҳонда уч секторли иқтисодиёт назариясига кўра, тараққиётнинг индустриал босқичидан постиндустриал босқичига ўтиш жараёни шиддат билан кечмоқда. Шундай бир пайтда аграр соҳани ривожлантириш тўғрисидаги тақлифлар жуда ғалати ва ғайритабиий туюлиши мумкин. Бироқ жаҳонда, хусусан, мамлакатимизда юзга келган ижтимоий-иқтисодий вазият ва миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари айнан аграр секторни тез суръатларда ривожлантириш, истиқболда уни иқтисодий оксалишнинг етакчи омилига айлантиришни тақозо этмоқда.

Аслини олганда, ушбу нуқтаи назар ҳозирги кунда иқтисодиёт илми оламида ҳукмронлик қилаётган ва дунёнинг деярли барча мамлакатлари амалиётда қўллаётган уч секторли иқтисодиёт назарияси тамойилларига зид. Замонавий назарияда постиндустриал жамиятда иқтисодиётда бандларнинг 10 фоизи қишлоқ хўжалигида, 20 фоизи саноатда, 70 фоизи хизматлар соҳасида банд бўлмоғи лозимлиги кўзда тутилади. Юртимизда эса мазкур секторларнинг улуши мос тарзда 26,2, 33,3 ҳамда 50,5 фоизни ташкил қилади. Гап шундаки, миллий хусусиятларга эга



Ўзбекистон шароитида айнан қишлоқ хўжалигига стратегик сектор сифатида қараш жуда катта самара бериши мумкин. У жаҳон андозасига қанчалик тўғри келиши ёки келмаслигидан қатъи назар, биз учун иқтисодий тараққиётда эришилган пировард натижа муҳим.

Шу ўринда савол туғилади, ҳўш, нима учун айнан аграр соҳани устун ривожлантириш керак? Бунга жавобни бир мисол билан бошламоқчиман. Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотлари ва пахта толаси йиллик экспортнинг умумий қиймати 1,8 миллиард АҚШ долларига тенг. Айни пайтда, Вьетнам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортдан бир йилда 40 миллиард доллар миқдорида даромад олади. Агар юртимиздаги ер майдони (448,9 минг кв.км.) Вьетнамнинг ер майдонидан (310,1 минг кв.км.) қарийб 1,5 марта кўплигини ҳисобга олсак, мамлакатимизда табиат бизга саҳийлик билан тўхфа қилган қимматбаҳо ер ресурсларидан унумли фойдаланмаётганимиз ойдинлашади.

Албатта, бу мустақиллик йилларида ерга бўлган муносабатга бориб тақалади. Мамлакатимизда узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалиги имкониятларидан фойдаланиш самарадорлиги пард бўлган. Инвестицияларнинг камлиги, малакали кадрларнинг етишмаслиги яққол кўзга ташланган. Бугун ана шу камчиликларни тўғрилашга ури-наётганимиз бежиз эмас. Халқимизда “Имомда хунар бўлмаса — мачитнинг кенг айвони ҳам торлик қилади”, деган нақл бор. Агар биз Яратганнинг ўзи бизга инъом этган мўътабар ва мукаддас она замин, дунёда тенги йўқ, энг мазали ва ширин, юқори сифатли, турли хил витамин ва минералларга бой, ҳар қандай элита ва суперэлитга

дастурхонининг беағи бўлишга лойиқ, бетакорор ноз-неъматларни етиштиришга имкон берувчи иқлим шароитларидан ўринли фойдаланасак, ҳар бир гектар сугориладиган ер майдонидан олинган маҳсулот экспортдан даромад миқдорини Вьетнам даражасига етказишимиз мумкин. Натижада Ўзбекистоннинг озиқ-овқат маҳсулотларини четга сотишдан миллий хазинага келиб тушадиган маблағи 20 миллиард АҚШ долларидан зиёдроқни ташкил қилади.

Бирок бир нарсани эътиборга олиш кераки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни экспорт қилишдан даромад олишда бугунги кунда вьетнамликлар эришган даража



— ҳали марранинг сўнгги нуқтаи эмас. Агар ҳар бир қарич ерни қадрлаб, унга муносабатимизни тубдан ўзгартирсак, соҳага инвестицияларни кўпайтириб, унинг субъектларини биллимли, юқори малакали кадрлар билан таъминласак, Ўзбекистон яқин келажақда мамлакат хазинасига келиб тушадиган даромад даражаси бўйича пешқадам давлатлар рўйхатидан муносиб ўрин эгаллаши мўқаррар. Боиси, диёримиз айнан аграр соҳада дунёнинг қўллаб-даватларига нисбатан мутлақ монопол устунлика эга бўлган ўзига хос ноёб мамлакат.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги меҳнатлаб тармок. Бу янги иш ўринларига катта эҳтиёж мавжуд бўлган юртимиз учун ишсизлик даражасини пасайтириш нуқтаи назаридан жуда муҳим омил. Қишлоқ жойларида яратилган янги иш ўринлари нисбатан арзонга тушади,

уларнинг ўзини қоплаш муддати эса анча қисқа, одатда 1-1,5 йилни ташкил этади. Демак, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишсизлик даражасини пасайтириш муаммосини ҳал этишда катта ижобий самара беради.

Учинчидан, миллионлаб деҳқоннинг машаққатли меҳнати ва пешона тери эвазига етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян қисми ҳосилни йиғиб олиш, ташиш, сақлаш ва сотиш жараёнида нест-нобуд бўлади. Албатта, бир йилда Ўзбекистонда ушбу омилнинг таъсири натижасида қанча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари исроф бўлаётганини аниқ ҳисобини олиш имкони йўқ.

“Қишлоқ хўжалигида молиялаштириш-кредитлаш шудгор давридан, яъни октябрь ойидан бошланиши, кластерларга кредитлар 24 ой муддатга ажратилиб, унинг имтиёзли даври амалдаги 11 ойдан 18 ойгача узайтирилгани ва бошқа имтиёзлар ҳам қишлоқ хўжалиги ривожига муҳим ўрин тутди.

истеъмомга тайёр ҳолга келтириш бўйича муҳим ва катта ислохотлар амалга оширилмоқда.

Тўртинчидан, кейинги йилларда Ўзбекистонда замонавий геномика ва биоинформатика усулларидан фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги экинлари, доривор ва техник ўсимликлар, микроорганизмлар, ҳайвонлар етиштириш унумдорлигини кескин ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳажминин ер ресурсларини кенгайтириш, янги ер майдонларини ўзлаштириш ҳисобидан кўпайтириш имкониятлари тула ишга туширилган ҳозирги вазиятда ернинг ҳосилдорлигини ошириш — бу қишлоқ хўжалигида яратиладиган янги ички маҳсулот ҳажминини кўпайтириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг етакчи манбаидир.

Шу жиҳатдан, бугун биз қишлоқ хўжалигида кўзлаган марралар ниҳоятда катта. Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек, соҳада амалга оширилиши белгиланган мақсадлар учун йилга жами 25 триллион сўм йўналтирилиши кутилмоқда.

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ

БУГУНГИ НИҲОЛ — ЭРТАНГИ ТОЗА ҲАВО

Озод РАЖАБОВ,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси маслаҳатчиси

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда мамлакатимизда экологик хавфсизлиқни таъминлаш соҳасида олиб борилаётган қўлдами юмушлар хусусида ҳам худди мулоҳаза юритиш мумкин. Президентимиз ташаббуси билан дарахтлар кесилишига мораторий эълон қилиш билан қўр олган ишлар бугун умуммиллий ҳаракатга айланди. Ёш қари, амалдору ходим, тадбиркору сармоячи — ким бўлишдан қатъи назар, табиатдан айро яшаш имконсизлигини идрок этаётир. Бу атроф-муҳитни аслича асраш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, сув ва ер ресурсларидан мақсадли фойдаланиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани шарофати.

Давлатимиз раҳбари яқинда бўлиб ўтган сийловолиди учрашувларида ҳам ушбу йўналишининг умумиқтисодий тараққиёт ва фаровон ҳаёт билан нақадар чамбарчас боғлиқлигини халқимизга содда тилда тушунтириб берди.

Жорий йилнинг 24 августи ва 2 ноябридаги муҳокамалар эса назария ва амалиёт ўйғунлигининг, илгари сурилаётган ғояларнинг қўндалик турмушдаги инъикоси бўлди. Бунда кам-



паниябозликка, кўзбўямачиликка йўл қўйилмаслиги алоҳида таъкидланмоқда. Чунки аввал ана шу иллат тўғрисида ўзимизни ўзимиз алдаб юрaverганимиз. Шавкат Мирзиёев ибораси билан айтганда, ўтган йилларда “қоғозда” экилган дарахтларни ҳисобласа, Ўзбекистонда бўш жой қолмаслиги керак эди. Тизим ва қаров бўлмагани учун экилган кўчатларнинг ҳам қўли қўриб кетди. Бугунги ва келгусидаги экологик вазиятни инобатга олиб, дарахт экишни давлат сиёсати даражасига кўтараямиз. Шунинг учун бу умуммиллий лойиҳани пухта тайёрларлик, пули, эгаси, сугориш тизими билан амалга ошириш керак.

Давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этганидек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида йилга 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш орқали шаҳарлардаги яшил

майдонларни амалдаги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режалаштирилди. Бундан буюн экология, дарахт экиш ва парваришlash масалаларига ҳокимларнинг қўрилиш бўйича ўринбосари масъул бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда 2 ноябрдан 10 декабрга қадар дарахт экиш бўйича “долзарб 40 кунлик” эълон қилинган экологик хавфсизлиқни таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим тадбирдир, дейишга асослар етарли.

Худудлар кесимида оладиган бўлсак, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида 16 миллион тупдан, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғонада 15 миллион тупдан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё, Хоразм вилоятларида 14 миллион тупдан кўчат экилади.

Шу боис, биринчи навбатда, мавжуд ва янгидан барпо этиладиган яшил майдонларга туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан масъул белгиланадиган бўлди. Улар дарахтларни парваришlash билан бирга, ушбу худудни обод сақлашга ҳам жавоб беради. Ободонлаштириш бўлимлари маҳсул техника билан таъминланади, зарур жойларда сугориш тармоқлари барпо этилади. Ушбу савобли ишда ҳар бир ташкилот, ҳар бир фуқаро ўз ўрнини топишига жиддий эътибор қаратиши лозим.

Кўп қаватли уйлارга туташ худудлар уй-жой мулкдорларига яшил майдонлар барпо этиш учун бириктирилади ва у ерда қўрилиш қилишга рўхсат берилади. Муассасалар ҳовлиси, маҳаллалар, йўл ва дала четларига ҳам дарахтлар экилади.



Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига, ҳокимлар билан бирга, ҳар бир худуднинг иқлим шароитига мос кўчатларни кўпайтириш ва етказиб бериш вазифаси қўйилди. Бунинг учун қўмита хузурида “Яшил худуд” унитар корхонаси ва ҳар бир вилоятда унинг филиали ташкил этиладиган бўлди.

Ҳўш, ана шу улкан ва келажакка бебаҳо сармоа тариқасида йўналтирилаётган жараёнда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўрни қандай бўлади? Энг аввало, шиддатли замоннинг ўткир талабларидан келиб чиқиб, қўмитанинг ташкилий тузилмаси, ваколат ва вази-

фалари тубдан қайта кўриб чиқилади. Давр қақирқларига ҳамоҳанг қадам ташлай олмайдиган бўлинмалар тугатилади.

Эълон қилинган “долзарб 40 кунлик” қўмита раҳбариятидан тортиб, олис туманлардаги оддий инспекторларгача том маънода синов вақтидир. Ана шу имтиҳон экологларнинг сарасини саракка, пучагини пучакка чиқаради. Халқона айтганда, дастлабки ғалвир қирқ кундан кейин кўтарилади.

Буни яхши ҳис қилган қўмита мутахассислари кечадан бошлаб жойларда экишга киришилган қаламча ва кўчатларнинг ҳисобини алоҳида, 2-3 ёшли

ниҳол ва буталар ўтказилишининг ҳисобини алоҳида юритиш баробарида мавжуд дарахтларнинг аниқ хатловига, тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида яшил худудларнинг электрон харитасини яратишга киришди. Шунингдек, ҳокимликлар томонидан сугориш тизимини янгилаш, ирригация тармоқлари қуриш, қудуқлар қаздириш ва томчилатиб сугориш тизимини жорий этиш бўйича берилган топшириқлар ижроси ҳам экологлар томонидан мунтазам мониторинг қилиб борилади. Кўчатчиликни ривожлантириш, кам сув талаб қиладиган дарахт навларини кўпайтириш чоралари юзасидан белгиланган ишлар қанчалик сифатли адо этилиши ҳам Давлат экология қўмитаси масъулларининг соҳа олимлари билан ҳамкорлиқни қай даражада йўлга қўйишига бевосита боғлиқ. Дарвоқе, экиш учун эколог-экспертлар томонидан тавсия этилган 27 турдаги дарахт кўчатларининг қайсилари қайси худудга мос келиши олимлар ҳулосаси асосида ҳар бир вилоят ва туманининг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда танланади. Шунингдек, яшил макон учун танланган жой тўғриси ҳам мутахассислар иштирокида кўриб чиқилади. Шундан кейингина ишга киришлади.

Газета ўқувчиларида оддий савол туғилиши мумкин: вилоятлар учун муайян квота тариқасида белгиланган 14-16 миллион туп кўчат “долзарб 40 кунда” экиб бўлинадими? Йўқ, ундай эмас. Бу жараён келаси йил баҳорида ҳам олимлар уста богбонлар тавсия этган муддатларда изчил давом эттирилади.

Мақсад — жимжимадор рақамлар ортидан қувиб, сохта маълумотлар тақдим этиш эмас. Бундай ҳолатлар даври ўтди. Муддао — чиндан-да яшил маконлар барпо этиш. Зотан, бугунги ниҳоллар — эртанги тоза ҳаво, демакки, гузал ҳаёт манбаидир.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news


Бугун Ўзбекистонда барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш, жамият ижтимоий ва маънавий ҳаётини янада ривожлантириш, соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, муқаддас динимизнинг софлигини сақлаш ҳамда ёшларни маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида тарбиялаш вазифаси ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият касб этмоқда.



ДЎППИДЎЗЛИК

ҲАР ҚАНДАЙ ҲУНАРДА ТАРБИЯ БОР

Шахрихонлик дўппидўз Ёркиной опа Тўйчиева Президентимизнинг Андижон вилояти сайловчилари билан учрашувида нутқ сўзлайман, деб сира ўйламаганди. Аслида, бундай ҳурмат ва эътиборга муносиб инсон. Негаки, у ҳунари ортидан давлат раҳбарининг қўлидан орден олган аёл. Лекин сўзга чечан зиёлилар, бошқа кўзга кўринган соҳа вакиллари турганида, оддий бир ҳунарманднинг нутқ сўзлаши... Ёркиной опа билан ёнма-ён ўтирган айрим йиғилиш иштирокчилари “Овора бўлмагн, Шахрихонга сўз навбати ҳам берилмаса керак”, деганларидан хижолат тортгани аниқ.



Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари Муҳаммаджон Қуроновнинг самимий эътирофи опани илҳомлантириб юборди:



“Жуда яхши биламан, Сизнинг ўзингизга хос бўлган шарқона сўзларингиз бор, сиз ҳам бемаъллоп гапиришингиз мумкин”.

— Ўз сўзларимни айтгандим, Президентимиз хурсанд бўлиб кетди, — дея гап бошлади уста дўппидўз. Опа ҳаяжон билан ўша кунги гапларини яна такрорлади: “*Биз шахрихонликлар сизни жуда яхши кўрамыз. Зеро, Шахрихон ҳунармандлар юрти. Сўнги беш йилда сизнинг миллат тожи бўлган дўппидўзликка бўлган эътиборингиз миллий-лелимизни қайтарди, бу билан бизнинг даромадимиз ҳам ошди. Ташаббусингиз билан вилоятимизда ҳунармандчилик маркази қўрилди. Жорий йилнинг 6 март кунини эса ҳаётимизда унутилмас сана бўлиб қолди. Чунки оддий дўппидўз аёл юксак минбарларга кўтарилди, сизнинг қўлингиздан “Меҳнат шухрати” ордени олганимиз насафат ўзимизга ҳаётимизда, балки дўппидўзлик тарихида ҳам қувончли воқеа бўлди. Шу маънода, ушбу юксак мукофотдан руҳланиб, ватанимизга, ҳунармандчилик соҳасига қўл-оёғи чаксон, ўзбек дўпписини дунёга танитадиган ёшларни тарбиялашни мақсад қилдим”.*

Дил тубидан чиққан бундай самимий нутқни тинглаб, давлатимиз раҳбари опага “Мен сизга энг юксак мукофотни бериб адашмабман, ҳаётингизни мана шундай жушқан кайфият тарк этмасин”, деганида залдагиларнинг барчаси қарсак чалиб юборгани бежиз эмас.

Зеро, ҳар гал қўлига игна кирганида онасини хотирлаб, “беона онам-а”, дея қўзларига ёш оладиган моҳир дўппидўзани, унинг меҳнаткаш онасини таниган, билганлар Ёркиной опанинг орден олганини эшитиб: “Рохат-хон хожи она ўлмаган, дўппила-ри худди шунақани харидоригр эди. Президентимиз онахонинг қизини муносиб тақдирлабди”, дейишди. Мана шунинг ўзи опага ҳаётда нима учун яшаётганини аңглатди. Шу икки оғиз гап дўппидўзликдан тоған энг катта бойлиги бўлди унинг. Игна ушлайверганидан қўллари анча дағаллашгани, яхши маънода темирга айланганини ҳам ҳалол меҳнатнинг завқи деб билади.

Ушанда мукофотни топшираётиб, Президентимиз опанинг қўлини сиқганича “Меҳнат қилган қўлларингиз дард кўрмасин, узок

йиллар фарзандларингизнинг бахту камолини кўриб юринг, на-сиб қилса, сиз билан яна учра-шамиз,” деган эди. Сайловолди учрашувида ана шу ният ихобат бўлди.

— Бу мукофот аслида онам-ники, — дейди Ёркиной опа. — Онаминг ҳунарини олиб, ҳам бўлмадим. Яна бир нарсасга амин бўлдимки, ҳунарманд, ҳалол меҳнат билан кун кечира-диган оилада вояга етган фар-зандлардан ҳеч қачон ёмонлик чиқмас экан. Илоҳим, бу ёғига ҳам шундай бўлсин! Ўз тажри-бамдан келиб чиқиб айтаманки, ҳар қандай ҳунарда тарбия ҳам бўлади. Битта дўппини биров-нинг бошига кўндиргунча бў-лаётган жараёни ўз қўзлари билан кўрган бола, албатта, му-шоҳада қилади. Онам қийинчи-лик билан пул толапти, бунинг қадрига етайлик, беҳуда сарф-ламайлик, дейишар экан-да. Қалбида раҳм-шафқат уйғонади, қизларда эса, сабру-тоқат шакл-ланади. Бундан ташқари, уйда ҳунар билан шуғулланган аёл-нинг болалари ҳаммаса назорат-да бўлади. Қаёққа кетяпти, нима қиляпти, билиб туради. Ўзбек аёлларига оиладан ажралмаган ҳолда ҳам эътибор, ҳам даро-мд келтирадиган ҳунарлардан бири — дўппидўзлик. Мактаб-да ўтиладиган меҳнат фанига шу дўппидўзлик ҳам киритилса яхши бўларди. Ахир ҳалқимиз миллийликка қайтапти, дўппини қадрлай бошлади.

Опанинг гапида жон бор. Дўп-пидўзликни қизларимизга ўргат-сак, улар ҳам қизларига ўргата-ди, албатта. Бошқа вилоятларни билмадим-у, Андижонда қувдан ташқари, қиз ва йигитнинг ота-си-га ҳам дўппи олинади. Ўзингиз ўйланг, битта тўй бўлса учта, 10 та бўлса, 30 та дўппи керак бўла-ди. Тўйлар-тўйларга уланаётган айни кунларда водийда дўппи-нинг бозори чақсон. Шахрихон-даги замонавий ҳунармандчилик марказида қаҳрамонимиз янги кашф қилган ҳумо гулли дўппи-лар жуда харидоригр. Бундан гурурланасан фақат. Гербимизда қанот ёзган ҳумо қушини ҳурмат қилган одамлар миллийликни қадрлаётган бўлади, аслида шу-ниси қувонарли.

Ҳунармандлар учун махсус тайёрланган марказда савдо қилиш, айниса, пандемия бар-тараф бўлса, туристлар билан

савдолашиш ҳам завқли. Зеро, ҳунармандчиликка бу даража-да юксак эътибор бўлмаган. Ёркиной Тўйчиева мисолида дўппидўзларга кўрсатилаёт-ган муносиб эҳтиромдан эса дўппи тикмай қўйган аксарият дўппидўзлар яна игнаю игла-ни кўлга олди. Биргина Ёркиной опанинг кўплаб шоғирдлари “Ус-тоз, яна дўппидўзликни бошлаб юбордик”, дейишаётгани бунинг исботи. Улар ҳунармандчилик келахатини ўйлаган, ҳунарманд-ларни эса элда обрўли қилишни кўзлаган муносиб номзода овоз берганлари ҳам бежиз эмас. Зеро, Президентимизнинг сай-ловолди дастурида ҳунарманд-чиликнинг эртаси порлоқ экани аниқ акс этди.

Бугун миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари, деган йўлни танлаган ҳимоячилар, миллий ҳунармандчилигимиз ҳаётимиз-нинг ажралмас қисми сифатида яшайверди. Айниқса, дўппига бўлган садоқатимизни фарзанд-ларимиз кўз олдига намоян эти-шимиз керак.

Ривоятларга кўра, эркаклар дўпписининг юқори қисмидаги тўртта гул одамнинг соғлиғини тўрт томондан ҳимоя қилар экан. Дўппи тикишда ҳар бир вилоят-нинг ўзига хос усули, йўналиши бўлса-да, тилаклар, мақсадлар муштараклиги аҳамиятли.

Сурхондарё ва Қашқадарё дўппилари ёрқин иппари билан кўзни қувонтирса, Бухоро дўппи-лари зарлари билан жилолана-ди. Ўртимизнинг қай гушасида бўлмасин, дўппидек буюк санъ-ат асарини бошида кўтариб юр-ганлар фақат эзгу мақсад билан яшаётгани аниқ. Дўппини азиз бошида азиру муқаррам қилиш-дан завқ оладиганлар қўпаявер-син!

*Рост дўппилар,
Етгон дўппилар,
Киноларда қолгон дўппилар.
Чуст дўппилар,
Анжон дўппилар,
Мунчоқдек Марғилон дўппи-лар...*

Бир пайтлар дўппининг бош-ларга огирлик қилиб қолганини кўнглида оғриниш билан шеърга солган Муҳаммад Юсуф бугун ҳаёт бўлганида...

**Муножат МҰМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон”
муҳбири**

**Марҳабо СОБИРОВА,
Низомий номидаги ТДПУ доценти,
фалсафа фанлари номзоди,
Республика маърифат тарғиботчилар жамияти аъзоси**

Мохиятан олиб қараганда, демократик жамият қуришдан кўзлаган асосий мақса-димиз ҳам ҳалқимиз учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби қафо-латланган фаровон турмуш даражаси ва эркинликларни ҳамда мамлакатимизда иж-тимоий барқарорлик, тенглик ва бағрикенг-ликини таъминлашдан иборат. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти бундай стратегик мақсадни амалга оширишнинг асоси ҳисобланади. Иқтисодий ислохотлар жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий, маъна-вий ҳамда давлат қурилиши соҳаларидаги тўб ўзгаришлар билан узвий боғлиқликда амалга оширилмоқда.

Аслида ижтимоий барқарорлик ва бағри-кенглик — жамият ҳаётининг осойишталиги, ижтимоий тузум элементларининг уйғунли-ги ҳамда жамиятдаги ижтимоий бириклар (миллатлар, турли ижтимоий қатламлар ва бошқа) вакилларининг ҳамкорлиги ва ҳам-

замин — саховатпешаликка, зилол сувлари — софдилликка, пурвиқор тоғлари — олий-ҳиматлиликка ўхшайди.

Юртимиз тупроғининг буюк мўъжизаси шундаки, унга дунёнинг исталган қитъа-сидан уруғ ёки кўчат олиб келиб эксангиз, униб, ҳосил беради. Она табиатимизнинг шу жиҳатлари ҳам ҳалқимиз руҳиятида бағ-рикенгликни шакллантирган бўлса ажаб эмас. Нафсиларини айтганда, заминимиз ва ҳалқимизга берилган “меҳмондўст, бағ-рикенг, серқуёш, меҳнаткаш” каби таъриф-лар бежиз юзага келмаган.

Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, азалдан заминимизда истиқомат қилиб ке-лаётган турли миллат вакиллари асрлар давомида ўз муаммоларини бир ёқадан бош чиқарган ҳолда ҳамжиҳатлик билан ҳал этиб келган. Бу заминда яшаётган ҳалқ-лар бир неча тилларда гаплашсалар ҳам уларнинг мақсади бир бўлган. Аждодлари-миз томонидан яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат олий фазилат, қадрият сифатида



жиҳатлиги билан белгиланади. Мана шу уч жиҳатни эътиборга олган ҳолда, ҳаётнинг барча соҳаларида тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши учун 2017—2021 йилларда республикани янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар страте-гияси қабул қилинди. Мана беш йилдирки, у босқичма-босқич, изчил ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

Айниқса, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар мил-лий-маънавий ва умуминсоний негизларга асосланган бўлиб, улар мамлакатимизда ижтимоий барқарорлик ва бағрикенгликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолимоқда. Жумладан, бешинчи усту-вор йўналишда мамлакатимизда ижтимоий барқарорлиқни таъминлашнинг энг муҳим омил сифатида “Хавфсизлик, диний бағ-рикенглик ва миллатлараро тотувлиқни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналиш-лар”га алоҳида эътибор қаратилган.

Табиат ва инсон борасидаги илмий қар-ашлардан келиб чиқиб, ҳалқимизнинг бағрикенглиги қайсидир маънода табиий ҳудуд, иқлим, ўзига хос табиат билан ҳам боғлиқ, дейиш мумкин. Марказий Осиё-нинг уртасида жойлашган юртимиз табиа-ти ўтроқ яшашга ҳар томонлама қулай ва йилнинг тўрт фасли ўз вақтида келади. Шу ҳудуд табиғати хос кенглик — одамларда-ги ҳушғеъшликка, ранг-баранглик — дун-ёқарашига мулоҳазалиликка, саховатли

эъозлаб келинган. Шу боис, аждодлари-миз инсон фазилатлари ҳақида фикр бил-дирганида “Яхши фазилат одамни одам билан яқинлаштиради”, деб ҳисоблаган. Шу маънода, бағрикенглик фазилати бутун минтақа халқларига хос дейиш мумкин.

Хусусан, Марказий Осиё халқлари та-рихи шундан далолат берадики, улар ўз орзу-умидлари, мақсадлари йўлида бирга-лиқда ҳаракат қилган.

Ўз ўрнида “Буюк Турон” деб аталган ушбу ҳудудда униб-ўсган халқларнинг тарихи, тили, маданияти, урф-одатларида жуда кўп умумий ўхшашликлар мавжуд. “Авесто” манбаларида аждодларимиз томонидан амал қилиб келинган бундай муносабатлар жуда қадим замонларга бориб тақалади. Унда жумладан, ўзаро муносабатларда мардлик ва эътиқод каби фазилатлар улуғ-ланади: “...Алқов ва кечирмоқни олқишлай-миз. Алқовчининг алқови ва кечирмоғини олқишлаймиз. Диндошлар орасида мард-лик ва эътиқодни олқишлаймиз. Риёсиз, ёлғонсиз, эзгу намозни олқишлаймиз...”

Яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат сингари фазилатларни ўз ичига олган қадриятлар Марказий Осиё минтақасидаги барча мил-латлар, халқларнинг мақсад ва интилиш-ларини акс эттиради. Зотан, тинчлик ва барқарорликка хизмат қиладиган бундай фазилатлар миллатнинг ўзига ҳурмат би-лан қарашнинг асосий бўғинларидан ҳи-собланиб, бугун ҳам тараққиётга, маънавий

покланишни таъминлашга хизмат қилиши табиий.

Жаҳон илм-фани тараққиётига кат-та ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ҳам мамлакатдаги аҳилликнинг, ўзаро кўмак ва ёрдамнинг аҳамияти катта эканини ўз-ларининг илмий-фалсафий меросида кенг ёритиб берган. Жумладан, улуғ аллома Абу Наср Форобий ўз асарларида инсонлар-нинг келиб чиқиши, турмуш тарзидан қатъи назар, тинч ва тотув яшаши, мамлакатда бағрикенгликнинг таъминлиши — бар-қарорлик ва осойишталикка эришишнинг асосий заминларидан бири эканини илмий жиҳатдан асослаб берган. Аллома халқлар-ни ўзаро ҳамкорликка, тинчликка чақиради ва барча одамлар бахтиёр яшайдиган жа-моани орзу қилади. Инсон қадр-қимматини қамситувчи жамиятни эса адолатсиз, жо-ҳил, деб қоралайди.

Жаҳон адабиётининг машҳур адиблари-дан Чингиз Айтматов халқимизнинг тарих-да тутган адолатли ўрни ва ролини баҳолаб шундай ёзган эди: “Қадимги Греция Овру-пода цивилизация ўчоғи сифатида қандай ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон ва Ўзбек халқ-и Осиёда, бутун туркий улқалар ва барча туркий халқлар тарихида худди шундай ўрин эгаллаган”.

Мамлакатимизда ижтимоий барқарор-лиқни таъминлашда муҳим омиллардан бўлган миллатлараро тотувлик ва динлара-ро бағрикенгликнинг бекиёс кучи шундаки, унинг шохсупасига чиқишга муяссар бўлган

“Юртимиз тупроғининг буюк мўъжизаси шундаки, унга дунёнинг исталган қитъасидан уруғ ёки кўчат олиб келиб эксангиз, униб ҳосил беради. Она табиатимизнинг шу жиҳатлари ҳам ҳалқимиз руҳиятида бағрикенгликни шакллантирган бўлса ажаб эмас. Нафсиларини айтганда, заминимиз ва ҳалқимизга берилган “меҳмондўст, бағрикенг, серқуёш, меҳнаткаш” каби таърифлар бежиз юзага келмаган.

халқ учун миллий ва этник чегараларнинг аҳамияти нисбийлик касб этади. Ва аксин-ча, у ёки бу миллатнинг маънавий-маданий дурдоналари умуминсоний бағрикенгликка беиминнат хизмат қила бошлайди. Ўз асар-ларида миллатлараро дўстлик ва ҳамкор-лиқни тараннум этган улуғ мутафаккир ва шоир Навоийга рус халқи катта гурур ва ифтихор билан ўз пойтахтида бежиз ҳайкал қўймади. Аслида бу ҳайкал халқимизнинг бағрикенглиги, қадриятлари борасидаги қарашларига бўлган ҳурмат намунаси-дир. Ёки мамлакатимиз маркази Тошкентда улуғ рус шоири Пушкинга қўйилган ҳайкал эзгу муносабатларимиз ифодасидир.

Мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисо-дий барқарорлиқни сақлаш, динлараро ва миллатлараро муносабатларни уйғунлаш-тиришга кенг ва мунтазам эътибор қар-тиб келинаётгани боис ҳам Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ошиб бор-моқда.

Бугун Ўзбекистон дунёга бўйлапти. Дунёнинг кўплаб нуфузли ташкилотлари билан ўзаро манфаатли, кўп томонла-ма ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бу ҳамкорлик ришталарининг тобора мус-таҳкамланиб бориши мамлакатимизда-ги тинчлик, осойишталик ва ижтимоий барқарорлиқнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Алоқаларни янада ривожлантириш, барча соҳаларда дунё тажрибасини ўзлаштириш ва улардан мамлакат тараққиёти йўлида самарали фойдаланиш ҳозирги ислохотлар ва юк-салиш даврида энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

**МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ**

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 136. Бююртма — 3563.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаввир: Асолат Аҳмадқуллова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 21:50 Топширилди — 22:55